Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 24 апрель, чоршанба • № 32 (10.807) • Эркин нархда сотилади

## ФРАНЦУЗ ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

*ПАРИЖ, 22 апрель (Фахриддин Низом ва Аброр Ғуломов хабар қиладилар). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча, 21 апрель куни Франция Республикасига ташриф буюрди. Президент Ислом Каримов бугун Елисей саройида Франция Республикаси Президенти Жак Ширак жаноби олийлари билан учрашди.*

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Ўзбек-француз алоқалари узоқ тарихга эга экани алоҳида таъкидланди. XV асрнинг бошларида буюк соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI ўртасидаги ёзишмалар бунинг ёрқин далилидир. Франция Президенти Ўзбекистон Президентига Амир Темурнинг 1402 йили Карл VIга йўллаган мактуби нусхасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз қароргоҳида бугун Франция Республикасининг Молия ва ташқи савдо бўйича мутасадди вазири И. Галланни қабул қилди. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув тугагач, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Франция Республикаси Молия ва ташқи савдо бўйича мутасадди вазири И. Галлан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Франция Республикаси ҳукумати ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик тўғрисидаги конвенцияга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Франция Республикаси ҳукумати ўртасидаги молиявий протоколга имзо чекдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Франция Республикаси Миллий Кенгашига ташриф буюрди. Ўзбекистон — Франция Парламент гуруҳи вакиллари иштирокида бўлиб ўтган зиёфат чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Президент И. Каримов Франция Миллий Кенгаши раиси Ф. Сеген билан ҳам учрашиб, суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Францияга ташрифи давом этмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги**

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАБРИГИ

**ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ АРТУР ГРИГОРЬЯНГА**

**ҚАДРЛИ АРТУР!**

*Мен сенинг дунё аҳамиятига молик нуфузли мусобақадаги ғалабанг ҳақида эшитиб, беҳад қувондим. Ер куррасида ўз вазни бўйича кучли боксчи унвонини қўлга киритиш — бу чинакам спорт жасорати, бу ҳақиқий улкан муваффақиятдир.*

*Сенинг шарафингга Ватанимиз байроғининг кўтарилиши, Ўзбекистон мадҳиясининг янграгани республикамизнинг барча спорт мухлислари қатори менда ҳам юксак ғурур ва умидбахш туйғулар уйғотди.*

*Сен ўзингнинг ажойиб ғалабанг билан нафақат ёш мустақил давлатимизнинг халқаро майдондаги обрўйини баланд кўтардинг, балки, ўзбек спорти шарафига-шараф, шонига-шон қўшдинг. Ёшларимизни жисмоний чиниқтиришда, уларни ватанпарварлик ва ўз юрти билан фахрланиш руҳида тарбиялашда ғалабангнинг аҳамияти беқиёсдир. Ишончим комилки, сенинг ютуғинг қадимий ва олижаноб анъаналарга эга бўлган республикамиз боксининг бундан буёнги ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилажак.*

*Қўлга киритилган ғалаба билан сени, қадрли Артур ҳамда Ўзбекистоннинг барча спорт жамоатчилигини чин дилдан яна бир бор табриклайман ва сенинг курашларинг жаҳон спорт майдонларида мустақил мамлакатимиз мадҳиясининг янада баланд янграшига хизмат қилади дея ишонч билдираман.*

**Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## БАЙРОҒИМИЗНИ БАЛАНД КЎТАРГАНЎҒЛОН

***ЎЗБЕКИСТОН спорти тарихида профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони унвонига мушарраф бўлган тошкентлик Артур Григоряннинг ажойиб зафари ҳақида хабар қилган эдик. Ўтган шанба куни Марказий ҳарбий спорт комплексида «Пахтакор» — «Динамо» (Самарқанд) учрашуви олдидан боксчимизни шарафлаш маросими бўлди.***

МИНГ-МИНГЛАБ мухлислар Ўзбекистон спорти шонини жаҳонга ёйган Артур Григорянни олқишладилар. Ўзбекистон Президенти давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев боксчимизга Президентимизнинг қутлови ва совғасини топширди. Жаҳон чемпиони Ўзбекистон байроғини ҳилпиратиб, ўйингоҳни айланиб чиққанда олқишлар янада авжига чиқди. Шу куни Артур Григорянни республика спорт қўмитаси раҳбарлари, устозлар, кенг жамоатчилик, тенгдошлари ва мухлислар ҳам ғалаба билан қутладилар. Ҳаваскор боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев, жаҳон биринчилигининг кумуш совриндори, Осиё биринчилигининг ғолиби Дилшод Ёрбеков сингари чарм қўлқоп усталарининг қувончлари эса ўн чандон ортиқ эди.

Жаҳон чемпиони Артур Григорян бундан буён ҳам Ўзбекистон спорт шарафини муносиб ҳимоя қилажагига, унинг шуҳратига-шуҳрат қўшишга ваъда берди.

**Акбар УМИРОВ.**

## «КУМУШ ТОЛА» МАВСУМИ АРАФАСИДА

***Баҳор келиши билан пиллакорларнинг ҳам ташвиши кўпайди: тут дарахтлари барг чиқарди, кунлар илиб, ипак қуртларини жонлантириш дамлари бошланди. Мухбиримиз Р. Турсунов вилоят ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан боғланиб, шу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилди.***

— Бу йил 25 минг қутидан кўпроқ ипак қурти уруғи хўжаликларга тарқатилмоқда. Шу кунгача 23 минг қути уруғ туман ипакчилик ташкилотларига етказиб берилди, — дейди муҳандис Ўткир Ирисбоев. — Бекободлик пиллакорлар 3100, Бўкаликлар 2800, Оққўрғонликлар 2200, Қуйичирчиқ пиллакорлари 2500, Янгийўл миришкорлари эса 2150 қути қурт уруғи қабул қилиб олдилар. Барча уруғлар жонлантириш учун қўйилди. Пилла терими ва уни топшириш жараёнида ишни бир маромда ташкил этиш мақсадида уруғлар бир-икки кун оралатиб жонлантирилади.

— Бу йил кўтариладиган хирмон қанча тош босади? — сўрадик ундан.

— Вилоят бўйича 1100 тонна пилла териб топширилади. Ҳар бир қути қурт уруғидан олинадиган ҳосил 50 килограмм тош босади. Илғор теримчилар албатта, бундан ҳам кўпроқ хирмон кўтариш учун барча имкониятларни ишга солишлари, табиий, албатта.

Ҳа, вилоят пиллакорлари ҳам ишга жадаллик билан киришдилар.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

### УН «ҲОРМАНГ»ДА ТОРТИЛАДИ

***Оққўрғон туманидаги «Озод» жамоа хўжалигида мўъжазгина «Ҳорманг» ун тортиш тегирмони ишга тушди.***

Бинони ҳозирлаш, техникани ўрнатиш ишларига Салимжон Раҳимжонов бош-қош бўлди. Кунига икки тоннага яқин ун тортиш қувватига эга бўлган «Ҳорманг»нинг бенуқсон ишлашини Абдулазиз Мавлонов ва Мирза Суннатиллаевлар назорат қиляптилар. «Озод»ликлар тегирмончиларнинг хизматидан мамнунлар.

**Ҳусанбой АВВАЛОВ.**

**СУРАТДА: тегирмончилар (чапдан) Абдулазиз Мавлонов ва Мирза Суннатиллаев.**

**МУАЛЛИФ олган сурат.**




### ЖАМБУЛ ОҚИНГА БАҒИШЛАНДИ

***Қозоқ оқини Жамбул Жабаевнинг халқчил ўланлари, достонлари кириб бормаган хонадон кам бўлса керак. Унинг юртга садоқат, меҳнат кишисига ҳурмат, муҳаббат, адолатли турмушга даъват мавзуидаги асарлари содда ва равонлиги, бадиий юксаклиги, омма орасида машҳурлиги билан мухлислар эътиборини қозониб келмоқда.***

Яқинда Юқоричирчиқ туманидаги Жамбул номли жамоа хўжалигида оқин туғилган куннинг 150 йиллигига бағишлаб тантанали кеча ўтказилди.

Ўзига хос бу байрамни мактаб директори А. Айтбоев очгач, унинг илмий ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари М. Эсонқулов оқин ҳаёти ва ижоди тўғрисида маъруза қилди.

Сўнгра тантанада Жамбулнинг шеърлари, ўланлари мароқ билан ўқилди, саҳналаштирилган парчалар кўрсатилди. Файзли шодиёнага С. Мирзақулов, Н. Қулунтоев бошчилик қилган бадиий дасталар, миллий қўшиқлар ижро этган хонандалар катта ҳисса қўшдилар.

Йиғилганлар мазкур тантанани тайёрлашга бош-қош бўлган мактаб маъмурияти, «Жамбул» фуқаролар йиғини, Жамбул номли жамоа хўжалиги, «Соҳибкор» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарларига самимий миннатдорчилик билдирдилар.

**Абдураҳим МАТҚУЛОВ.**

### ЎРМОНЧИЛАР МАКТАБИ

***Қурилишбоп ва саноатбоп ёғоч етиштиришни шароитнинг ўзи тақозо этяпти. Шунга кўра Қибрай туманида ўрмончилар мактаби очилди. Соҳа мутахассислари шу тариқа янгиликлар билан танишиш, билимларини ошириш, тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдилар.***

Оққовоқ қишлоғида мамлакатимизда ягона бўлган ўрмон хўжалиги мутахассислари ва ўқув тажриба маркази иш бошлади. Бу ерда ҳар йили 400дан ошиқ ўрмончи малакасини оширади.

Чирчиқ дарёси соҳилидаги 786 гектар тажриба хўжалиги майдонида яхши навли дарахтлар етиштирилади.

Марказ қошида ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлайдиган ойлик курслар ҳам ташкил этилган.

**Абдуҳамид ФОЗИЛОВ.**

### КАТТА АНЖУМАНЛАР ОЛДИДАН

***Вилоят фахрийлар ташкилоти олдида бир қатор масалалар тўпланиб қолган эди. Кеча ташкилот кенгашининг навбатдаги анжуманида ана шу масалалар кўриб чиқилди.***

Аввало фахрийлар ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш ҳақида гап борди. Кенгаш раиси Акром Алимов республика фахрийлар кенгашининг қароридан келиб чиққан ҳолда жойларда бу тадбирга тайёрланиш жараёнида нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги ҳақида тўхталди.

Бундан буён ҳар бир маҳаллада ҳам фахрийларнинг бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатадиган бўлади. Мавжудларида эса ҳисобот сайловлар ўтказилади. Ана шу ҳақда «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бошқаруви раиси Солижон Воҳидов ўз маърузасида тўхталди.

Халқимиз Ғалаба байрами бўсағасида турибди. Уруш қатнашчилари, ногиронлари, уларнинг оилалари ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиниши фахрийлар ташкилотларининг назоратида бўлиши лозим.

Мўътабар кексаларимиз бу йил Мустақиллик байрами ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан «Ёдгорлик» жамияти вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Хазина» танловини ўтказиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Йиғилишда ана шу танлов олдидан вилоят тарихи, осори-атиқаларининг муҳофазаси, уларни сақлаш ва тарғиб қилишни кучайтириш таъкидланди.

Шу куни фахрийлар Ўзбекистон давлат тарих музейи экспонатларини қизиқиб томоша қилдилар.

**Соат МУСАЕВ.**

## ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ХАВФСИЗЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ МОЖАРОЛАР» СИМПОЗИУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

## ҚУТЛОВ

Симпозиумнинг ҳурматли иштирокчилари ва меҳмонлари!

Сизларни қадимий Ўзбекистон тупроғида самимий муборакбод этаман ҳамда Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Марказий Осиё: Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақавий можаролар» симпозиумининг ўтказилиши муносабати билан чуқур мамнуниятимни изҳор қиламан. ЕХҲТ ҳомийлигида ўтаётган мазкур анжуманда кўплаб мамлакатлар вакилларининг учрашуви Европанинг бу нуфузли ташкилоти ўзининг амалий қадамлари билан Хельсинки битимлари ғояларини ҳаётга татбиқ этаётганини, Марказий Осиё минтақаси муаммолари ҳамда уларни ечиш йўлларини диққат марказида тутиб турганини яна бир карра тасдиқлайди.

Биз бу симпозиумга Тошкентда ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш-семинарнинг мантиқий давоми ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг минтақавий ва оламшумул даражаларда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида очиқ ва самарали мулоқотга тайёрлиги, деб қараймиз.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг қитъада вужудга келган янги жуғрофий-сиёсий шароитда минтақанинг муаммо ва эҳтиёжларига эътибор беришга интилиши давлатларнинг бу ташкилотга ҳурматини янада оширади.

Бундай симпозиумлар минтақавий муаммоларни ҳал қилиш йўллари хусусида кенг фикр алмашиш имконини беради.

Ўзбекистон ЕХҲТ билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда ҳамда бу самарали мулоқотни янада чуқурлаштиришга тайёр.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент симпозиуми барча иштирокчилари ва меҳмонларига анжуманда самарали ва муваффақиятли ишлашларини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## 14 мамлакат намойиш этади

CENTRAL ASIA TEXTILE + LEATHER '96

Аҳолини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашда фан-техника, чет эл технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, енгил саноат маҳсулотларини сон ва сифат жиҳатдан яхшилаш бу соҳага доир дастурнинг асосини ташкил қилади.

Уни бажаришда 23-26 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ўзэкспомарказ» Республика савдо-кўргазма маркази, Олмониянинг «Фейртрейд мессе унд аустшеллинг» фирмаси билан ҳамкорликда «Марказий Осиё — Тўқимачилик + чарм-96» 1-халқаро кўргазмасининг ташкил этилиши муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. Кўргазмада жаҳоннинг 14 мамлакатидан 70 дан зиёд фирма иштирок этади. Хитой, Италия, Швейцария, Олмония, Чехия, Франция, Япония, Канада, Россия, Литва, Белоруссиянинг қатор фирма ва компаниялари ўзлари ишлаб чиқараётган электр-тикув машиналари, тўқимачилик дастгоҳлари, сунъий мўйна ишлаб чиқарувчи жиҳозлари, турли мақсадда қўлланувчи игналар, шунингдек, пойафзал саноатида қўлланувчи ускуналар, бўяш дастгоҳлари республика аҳолисига намойиш қилинади. Шубҳасиз, кўргазмадан тайёр кийимлар моделлари ҳам ўрин олади.

Кўргазма иш жараёнида бир қатор тадбирлар ўтказилади. Масалан, Миланнинг савдо палатаси «Ломбардияда тайёр кийимлар ва тўқимачилик саноатининг намойиш этилиши» семинари, Тошкент модалар уйи ўзининг кейинги вақтларда яратаётган янги фасонларини намойиш этади. Шунингдек, Швейцария вакиллари «Швейцарияга экспорт, Швейцария иқтисоди билан ҳамкорлик» мавзусида семинар ўтказадилар.

Кўргазмада Республикамиздан «Дилором» фирмаси ўзининг қоракўл маҳсулотлари билан иштирок этади.

Умид қиламизки, ушбу кўргазмада Республикамиз тадбиркорлари чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, республикамиз аҳолисининг шу соҳа бўйича талабларини қондиришда ва уларнинг сифатларини оширишда катта роль ўйнайдилар.

**М. ИСМОИЛОВА, «Ўзэкспомарказ» матбуот бўлими бошлиғи.**

## ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг олиб бораётган сиёсати мағзида, энг аввало, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ҳақидаги ғамхўрлик мужассамлашганлиги билан алоҳида аҳамият касб этяпти. Масалан, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланаётган барча деҳқон ва чорвадорлар ғоят синчиклаб ўрганиб чиқдилар, десам янглишмайман.***

Негаки, бу ҳужжат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ислоҳотларни чуқурлаштириш, унинг моддий базаси ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираётган дала меҳнаткашларини рағбатлантириш, аграр сиёсатнинг устивор вазифаларини изчиллик билан амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш вазифаларини қамраб олган.

Мамлакатимиз Президентининг ушбу Фармони жамоа хўжаликларига иқтисодий жиҳатдан қаддиларини тиклаб олиш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида рўй берган моддий қийинчиликларни бартараф этиш учун катта

### Деҳқон дилидаги гаплар

мадад бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида қарздор хўжаликларнинг аҳволи тобора ёмонлашиб бориши, қарзлар камайиш ўрнига фоизлар ҳисобида кўпайиб кетиши маълум, албатта. Ана шу жиҳатдан қараганда республика Президенти фармонида зарарига ишлаётган қишлоқ хўжалик корхоналарининг банк ссудалари бўйича тўлайдиган устама фоизлари чегириб ташланиши ҳамда кам рентабелли қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан олинган кредитларга устама фоизларни тўлаш 2000 йилнинг 1 январигача кечиктирилиши, вақтида тўланмаган қарзлар бўйича устама фоизлар ёзиш тўхтатилиши айни муддао бўлди.

Биз энди пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режаларини бажариб, олинган даромадлар ҳисобидан банк қарзларидан тўла қутулиш имкониятига эга бўламиз.

Мамлакатимиз Президенти Фармони мазмуни билан атрофлича танишар эканмиз, хўжаликнинг иқтисодий имкониятларини яна бир карра таҳлил қилиб чиқдик. Ўтган йили пахта топшириш режаси 103 фоиз қилиб бажарилгани сабабли умумий ҳосилдан олинадиган даромад қаторига жами 500 тонна толадан келадиган фойда ҳам қўшилиб, уни ўзимиз истаганча тасарруф қилиш имкониятига эга бўлдик.

Булардан ташқари пилла, ғалла, сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотларидан олинадиган даромад ҳам анча мадад бўлади. Энди шуларнинг қаторига Фармон асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларига белгиланадиган қўшимча қиймат солиғининг бекор қилиниши, техника сотиб олиш ва уни янгилаш учун зарур оборот маблағи ажратилиши, пилла етиштириш учун бўнак бериш мақсадида ажратиладиган кредитлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва минерал ўғитлар сотиб олиш учун яратиладиган имтиёзларни ҳам қўшадиган бўлсак, бу деҳқон учун катта имкониятдир. Бошқача айтганда иқтисодий қийинчиликлар энди ортда қолади. Деҳқон ва чорвадорлар эса ўзига кўрсатилган ғамхўрликдан руҳланиб, янада баракали меҳнат қилади. Ҳа, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва бу соҳанинг моддий базаси ҳамда молиявий аҳволини мустаҳкамлаш юзасидан Президентимиз амалга ошираётган тадбирлар, албатта, соҳа самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Ҳолмирза АҲМАДАЛИЕВ, Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигининг раиси.**

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси эртага, 25 апрель куни соат 10 да Олий Мажлиснинг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 24 апрель куни соат 9 дан соат 18 га қадар ва эртага, 25 апрель куни соат 8 дан Олий Мажлис мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

